

## **Амир Темур ва ворислари даврида илм- фан равнақи**

**Ҳикматилла Зулфиқоров, Асрор Турсунов  
Қашқадарё ХТХҚТМОИ ўқитувчилари**

Ўзбекистон мустақиллиги даврида мамлакатимизда миллий кадриятларимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ёшлар онгига сингдириш бўйича улкан кенг қамровли тадбирлар бажарилмоқда. Бу даврда буюк аждодларимизнинг сўнмас даҳосига ҳурмат - эҳтиром, уларнинг бой илмий - маънавий меросини ўрганишга бўлган қизиқиш чет элларда ҳам ошиб бормоқда. Жаҳоннинг турли мамлакатларида уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий ва бадиий асарлар, улуғ аждодларимиз хотирасига ёдгорликлар барпо этилмоқда. Шулар қаторида Бельгияда Ибн Синога, Литвада Мирзо Улуғбекка, Москва, Токио ва Боку шаҳарларида Алишер Навоийга, Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида эса Аҳмад Фарғоний хотирасига ўрнатилган муҳташам ҳайкалларни эслаш жоиз”.

Масалан, биргина Францияда Амир Темурга олтин суви югуртирилган ҳайкалча ўрнатилгани бунинг яққол далилидир.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: “...тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий бой мерос қолдирди, илму -фан, маданият, бунёдкорлик дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди”.

Кўпгина тарихий манбаларда Темурбекнинг коинот илмига ҳам қизиққанлиги баён этилган. Темурбекнинг онаси Такина хотун бухоролик машҳур фикҳшунос хонадонидан бўлиб, аждодлари ўз замонасининг олим кишилари бўлишган.

Такина хотуннинг отаси Убайдуллоҳ ибн Мансур ибн Аҳмад ибн Убайдуллоҳ Маҳбубий Бухорий ўз даврининг машҳур фикҳшуноси бўлиб, у кишининг отаси, бобоси ҳам машҳур олим бўлишган.

Такина хотуннинг отаси “Садр уш-Шаръиа ас-Соний”, “Садр уш-Шаръиа ал-Астар” деб улуғланган. (вафоти 1345-46 йил.) Такина хотун отасининг фалакшуносликка оид “Таъдил ал-Ҳайъат ал-афлок” китобини 16-17 ёшида Темурбекка берган. Соҳибқирон бу китобни невараси Улуғбек Мирзога беришни ният қилган эди.

Кўплаб машҳур муаррихлар таъкидлаганидек, Амир Темур илмнинг қадрига етадиган, уни ривожлантиришга астойдил бел боғлаган, дунёнинг энг етук олимлари, тарихчилари билан бемалол суҳбатлаша оладиган донишманд ҳукмдор бўлган.

Илм - фанга қизиқиш Амир Темурнинг хонадонидан бошланган десак тўғрироқ бўлади. Соҳибқирон хонадонидан фарзандлар (амирзодалар, маликалар) га илм - фаннинг турли соҳаларидан кўп сабоқлар берилар, мадрасаларда таҳсил олишлар изчил давом эттирилган. Масалан, Мироншоҳ Мирзо учун махсус Ибн ал - Асирнинг “Ал - комил фит - тарих” (“Мукаммал тарих”) китобини таржима қилиб берган эди. Соҳибқирон ҳаракатлари туфайли, унинг авлодлари ичида Муҳаммад Султон, Улуғбек Мирзо, Иброҳим Султон, Бойсункур Мирзо, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Кўчкунчихон, Комрон Мирзо, Гулбаданбегим, Зебунисо каби забардаст шоирлар, олимлар, муаррихлар, хаттотлар, маънавият ва маърифат жонкуярлари сифатида илм - фан, маънавиятнинг қадрига етадиган доно

инсонлар бўлиб етишдилар. Бу алломаларнинг саъй-ҳаракатлари билан маънавиятимиз юқори поғонага кўтарилди.

Темурийзода Улуғбек Мирзонинг астрономия мактаби айнан Самарқандда шаклланди. Замонанинг илғор расадхонаси барпо этилди. 1018 та юлдуз таърифини ўз ичига олган “Зижи жадиди Кўрагоний” жадвали жаҳон фанига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. “Тўрт улус тарихи” асари эса халқимиз тарихини англаб етишда ниҳоятда муҳимдир. Соҳибқирон Амир Темур даври тарихини тўлиқ ва ишонарли ёритиб берган Шарафуддин Али Йаздийнинг “Зафарнома” (1425) асари Соҳибқироннинг набираси Шероз ҳокими, шоир ва ҳаттот Иброҳим Султоннинг раҳбарлиги, фидоийлиги ва ҳомийлиги остида яратилди. 1519 йил Улуғбек Мирзонинг набираси Кўчкунчихон топшириғи билан мазкур “Зафарнома” ва Рашидуддиннинг “Жоме ут-таворих” асарлари ўзбек тилига таржима қилинган эди.

Шунингдек, жаҳон адабиётининг буюк намоёндаларидан ҳисобланган Алишер Навоийнинг сермахсул ижоди, Лутфий ва Ҳусайн Бойқаролар шеърляти, алломалар Қозизода Румий ва Али Қушчининг бебаҳо асарлари, Камолиддин Беҳзоднинг дурдона миниатюра расмлари, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ноёб “Бобурнома”си, гўзал шеърляти, салмоқли илмий асарлари, муаррихлар Ғиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, Муиниддин Натанзий, Ҳофиз Абдулло, Шарафуддин Али Йаздий, Мирхонд, Хондамирларнинг салмоқли нодир солнома-ларининг ҳаммаси темурийлар даврининг бебаҳо маҳсули ҳисобланади.

Бу давр ҳукмдорлари, айниқса, Соҳибқирон Амир Темур ва Мирзо Улуғбек нафақат одил ҳукмдор, балки ўз халқи фарзандларининг, яъни ўз фуқароларининг баркамол авлод бўлиб етишишининг тарафдори бўлишган. Улар бунинг учун халқнинг тинч-тотув ва фаровон ҳаёт кечиришига, илму фан, адабиёт ва санъат тараққий этишига, хусусан, ёшларнинг жисмонан соғлом, одоб - ахлоқли, маънавияти юксак бўлишига, хуллас, уларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб вояга етишишларига давлат сиёсати даражасидаги масалалар деб қарашган. Манбаларнинг шохидлигича, Соҳибқирон Амир Темур “Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар”, - деган мақолни кўп такрорлаган. Темурийлар ўз даврининг билимдон кишилари бўлишган, олимлар меҳнатини юксак қадрлайдиган, уларга ғамхўрлик қиладиган ҳукмдорлар ҳисобланишган. Шунингдек, буюк ҳукмдор таъкидлайдики, “Мен олимларга, илоҳиётчиларга, файласуфларга ва тарихчиларга ҳурмат - эҳтиром кўрсатдим. Мен уларни ҳурмат қилдим ва эъзозладим”.

Соҳибқироннинг баркамол шахс, адолатли ва маърифатпарвар ҳукмдор бўлиб етишувида комил инсонлар ҳисобланган пирлари Мир Амир Кулол, Саййид Барака, Тойободий каби улуғ зотларнинг ҳиссалари улкандир. Соҳибқироннинг уларга ҳурмату эҳтироми шу қадар юксак бўлганки, у вафотидан кейин ўз қабрини устози Саййид Бараканинг оёғи устидан қуйишларини васият қилган. Темурбек ўша даврнинг йирик олими, мантиқ илмининг билимдони, фикршунос Мирсодиқ Шариф Журжонийга ҳам беҳад иззат кўрсатган.

Соҳибқирон олиму фузалоларни, уламо ва шайхларни баркамол авлод тарбияси учун масбул киши деб билган. У мамлакатни идора қилишда шу 12 тоифага таянган, вақти - вақти билан олимлар, амирлар, саййидлар, ҳокимлар, мунажжимлар, муҳандислар, шайхлар, вазирлар ва жамиятнинг бошқа табақалари билан кенгашиб, улар билан маслаҳатлашиб турган. Шарафуддин Али Йаздийнинг

“Зафарнома” асарида ана шундай кенгашлардан бири ҳақида сўз бориб, унда Амир Темур олимларнинг давлатни бошқаришдаги ўрни ҳақида фикр юритади

---

Амир Темур олимлар ва уламолар билан доимо маслаҳатлашиб, уларга моддий ёрдам берган. Амир Темурнинг 1403 йилда олимлар, уламолар олдидаги нутқи диққатга сазовордир. “Илм ва диннинг машҳур кишилари, - деган эди Амир Темур, - ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаётибсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга нисбатан маслаҳатларингиз билан кўмаклашингиз керак”.

Амир Темур илм - фаннинг келажаги, унинг жамият ривожидagi ролига муносиб баҳо берган. У фаннинг келажагида бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиши ҳақида узил - кесил хулосага келмаган бўлса ҳам, фан тараққиётисиз инсоният илгарига қараб қадам ташлаши мумкин эмаслиги ҳукмдорнинг диққат марказида бўлган. Фан соҳасидаги янги кашфиётлар уни қизиқтирган, унга туяларга ортилган кутубхона доимо ҳамроҳ бўлган. У ўз ҳаётида беш нарсга қатъий эътиқод қўйган ва уларга ҳамиша амал қилган. (Оллоҳ, тафаккур, қилич, имон, китоб (битик)).

Соҳибқирон қайси мамлакатни забт этмасин, у ерда олиму фозиллар, элга танилган илоҳиётчилар, санъат намояндалари, турли касб - ҳунар эгаларининг Самарқандга ўзи билан бирга олиб келиб илм - фан, бунёдкорлик ишларига жалб этган. Масалан, машҳур файласуф, мантиқшунос Мир Саййид Шариф Журжоний, ўз даврининг кўзга кўринган файласуфи, фикҳ-шунос Саъдуддин бин Умар Тафтазоний, муаррих олим Ибн Арабшоҳ, таниқли мусиқашунос олим Абдулқодир ибн Ғайбий ва бошқалар Соҳибқирон ҳомийлиги остида самарали ижод қилишган ва Мовароуннаҳрда илм - фан тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишган.

Ривоят қилишларича, Соҳибқирон Шерозда олиму фозилларни шаҳар масжидига йиғиб, улар билан турли мавзуларда суҳбатлашиб, баъзи соҳаларда баҳс мунозаралар ҳам уюштирган. Шунда Қуръони каримни турли оҳангда ўқиш бўйича ҳофизлар ўртасида мунозара ва баҳс олиб борилган. Мунозарада Қуръони каримни ёддан 14 оҳангда айта оладиган истеъдодли форсигуй шоир Ҳофиз ҳам бўлган. Амир Темур Ҳофиздаги бу буюк қобилиятни сезган бўлса керак, “Сен Ҳофиз бўлсанг, “Арофат” сурасини охиридан бошига қараб оятма - оят айтиб бергинчи?” деб мурожаат қилганда, Ҳофиз “Бундай қилиш (ёддан айтиш) мумкин эмас” деган экан. Шунда Соҳибқирон жамоа аҳолисининг талаби билан Қуръони каримнинг “Бақара” сурасини охиридан бошига қараб, оятма - оят ёддан айтиб берганда, еттинчи оятга етганда аҳли анжуман ҳайратдан унга таҳсинлар айтган эканлар.

Маълумки, Ўрта Осиё олий таълим тараққиётининг янги босқичи Амир Темур ва темурийлар даври билан боғлиқ. Соҳибқирон ва ворислар илм - фан, маданият ва санъат ҳомийлари бўлишган. Амир Темур ўз “Тузуқлар”ида салтанат пойдеворини яратиш биланоқ “катта - кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, факиру мискинларга лангархона солсинлар, касаллар учун шифохона курсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар, деб буюрдим” деб ёзган эди.

---

Натижада XIV асрнинг охири чорагида унинг амир ва умароларга давлат арбоблари ҳам мадрасалар қурдира бошладилар. Масалан, саркарда Идику Темур, Ферузилох, Самарқанд садри Мавлоно Қутбиддин мадрасалар қурдиришган. XV аср бошида эса Сароймулк хоним ва Муҳаммад Султонлар мадрасалар бунёд этишган.

Академик Б. Валихўжаевнинг ёзишича, Соҳибқирон даври мадрасалари маълум даражада ихтисослашган. Жумладан, Мавлоно Қутбиддин садр мадрасаси бошқарув, кадрларни тайёрлашга, Идику Темур ва Сароймулк хоним мадрасалари, зиёли, имом, мактаб домласи каби умумий мутахассисликларни тайёрлашга ихтисослашган.

---

Буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек (1409-1449) даври мадрасалари ўлкамиз олий тизим тажрибасидаги энг юксак чўққи - “олтин аср” эди. Улуғбек бобокалони каби илм - фан ва маданият ҳомийсига айланиб, ҳукмронлик қилган қарийб 40 йил давомида юртимиз мусулмон дунёсининг, қола-верса, жаҳон цивилизациясининг марказларидан бирига айланди.

Соҳибқироннинг кенг қамровли бунёдкорлик фаолиятини унинг суюкли набираси Мирзо Улуғбек изчил давом эттирган. Улуғбекнинг асли исми худди бобосиники каби Муҳаммад Тарағай бўлиб, у 1394 йили Султония шаҳрида туғилган. У Темур саройида катта мавқега эга бўлган бувиси Сароймулк хоним ва онаси Гавҳаршодбегимларнинг бевосита мураббийлигида вояга етган. 1412 йилда 18 яшар Улуғбек Мовароуннаҳрни бошқаришга киришган. Мирзо Улуғбек қарийб қирқ йил мобайнида Мовароуннаҳрнинг донишманд ҳукмдори сифатида халқнинг азалий орзуси - тинчлик, тотувлик, илм - фан ва маданиятни тараққий топтириш йўлида улкан шижоат ва матонат кўрсатди.

У бобосидан фарқли ўлароқ, шиддатли ҳарбий юришлар уюштириш, қўшни мамлакатларни фатҳ этишга интилмади. У ўз давлатини мустаҳкамлашга, мамлакат бирлигини сақлаб қолишга, илм - фан ва маданиятни юксалтиришга, баркамол авлодни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратган.

Мирзо Улуғбек Амир Темур анъаналарини давом этти-риб, Мовароуннаҳрни, хусусан, Самарқанд ва Бухорони илму фан марказига айлантирди. Унинг фармони билан 1417 йилда Бухорода, Ғиждувонда мадрасалар қад кўтарди. Бухородаги Улуғбек мадрасасининг дарвозасига “Илм олиш ҳар бир мусул-мон аёл ва эркакнинг бурчидир”, деган ҳадиси шариф ёзиб қўйилган. Мовароуннаҳрнинг бу учта қадимий шаҳарларида барпо этилган илмгоҳлар, хусусан, Самарқанд мадрасаси замо-насининг ўзига хос олийгоҳи - академияси ҳисобланган.

Соҳибқирон даврида илм - фан ва маданият арбоблари, ҳунармандлар хориждан кўчириб келтирилган бўлса, Мирзо Улуғбек даврида Арабу Ажам, Руму Ҳиндистоннинг толиби илмлари Туркистонга ўз ўз ихтиёрлари билан келишган. Самарқанд, Бухоро, Ғиждувон шаҳарларида мадрасалар очил-ган. Мадрасалар пештоқиға “Илм олишга интилиш барча мус-лим ва муслималарга фарздир” деб ёзилган. Мазкур мадраса-лардан ўз даврининг етук алломалари етишиб чиққан.

Мирзо Улуғбек раҳбарлигида Қозизода Румий, Ал Коший, Али Қушчи каби олимлар ишлашган. XV аср ва кейин-ги даврлар мукаммал юлдузлар жадвали яратилган. “Улуғбек академияси” олимлари ўша Уйғониш даврининг буюк вакил-лари бўлишган. Мадрасаи олиялар Шарқ Ренессансининг асосий учоқлари ҳисобланган.

Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даврларида қурилган мадрасаи олияларнинг шонли анъаналари кейинчалик Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро даврида Алишер Навоий

томонидан изчил давом эттирилган А. Навоийнинг “Вақфия”, Хондамирнинг “Макоримул ахлоқ” асарларида буюк шоир қурдирган Ҳирот мадрасалари, уларнинг тузилиши ва молиявий таъминлаши баён этилган.

Алишер Навоийнинг маълумотича, ўша давр мадрасаларида ҳар бир мударрисга 11 нафар талаба бириктирилган. Гуруҳга 3 нафар аълочи, 4 нафар ўртача ўзлаштирувчи, 3 нафар яхши ўзлаштирувчи талаба киритилган. Мударрисларнинг йиллит маоши 200 олтин танга 24 юк озиқ-овқат маҳсулотлари бўлган.

Амир Темури ва ворислари даврида мадрасаларда ўқув жараёнлари оқилона ташкил қилинган ва мударрисларнинг маҳоратига жуда юқори даражада ҳақ тўланган.

Бу даврда Мирхонд, Хондамир, Саъдиддин Тафтазоний, Шариф Журжоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Ал-Коший, Али Қушчи, Хожа Аҳрор Валий, Маҳдуми Аъзам, Мавлоно Муҳаммад Қози, Ҳофиз, Комил Хўжандий, Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Абдураззоқ Самарқандий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби юзлаб маънавият юлдузлари етишиб чиққанлиги, айниқса, диққатга сазовордир.

Мирзо Улуғбек олиму фозилларни иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қўллаб - қувватлагани қолмасдан, ўзи ҳам муайян фан соҳаларида самарали фаолият кўрсатган. Аллома илм-фан ва маданият ҳомийси сифатида тарихда ном қолдириб, илму нужум, мусиқашунослик ва тарих илми соҳасида қалам тебратган салоҳиятли олим ҳам ҳисобланади.

Улуғбекнинг “Тарихи арбаъи улус” номли (“Тўрт улус тарихи”) тарихий асари ҳамда мусиқа илмига бағишланган рисоласи ниҳоятда ном қозонган. Олимнинг довуғини жаҳонга танитган, 1420-1429 йилларда қуриб битказилган улкан Амир Темури ва Мирзо Улуғбек давларида қурилган мадрасаи олияларнинг шонли анъаналари кейинчалик Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро даврида Алишер Навоий томонидан изчил давом эттирилган А. Навоийнинг “Вақфия”, Хондамирнинг “Макоримул ахлоқ” асарларида буюк шоир қурдирган Ҳирот мадрасалари, уларнинг тузилиши ва молиявий таъминлаши баён этилган.

Алишер Навоийнинг маълумотича, ўша давр мадрасаларида ҳар бир мударрисга 11 нафар талаба бириктирилган. Гуруҳга 3 нафар аълочи, 4 нафар ўртача ўзлаштирувчи, 3 нафар яхши ўзлаштирувчи талаба киритилган. Мударрисларнинг йиллит маоши 200 олтин танга 24 юк озиқ-овқат маҳсулотлари бўлган.

Амир Темури ва ворислари даврида мадрасаларда ўқув жараёнлари оқилона ташкил қилинган ва мударрисларнинг маҳоратига жуда юқори даражада ҳақ тўланган.

Бу даврда Мирхонд, Хондамир, Саъдиддин Тафтазоний, Шариф Журжоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Ал-Коший, Али Қушчи, Хожа Аҳрор Валий, Маҳдуми Аъзам, Мавлоно Муҳаммад Қози, Ҳофиз, Комил Хўжандий, Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Абдураззоқ Самарқандий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби юзлаб маънавият юлдузлари етишиб чиққанлиги, айниқса, диққатга сазовордир.

Мирзо Улуғбек олиму фозилларни иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қўллаб - қувватлагани қолмасдан, ўзи ҳам муайян фан соҳаларида самарали фаолият кўрсатган. Аллома илм-фан ва маданият ҳомийси сифатида тарихда ном қолдириб,

илму нужум, мусиқашунослик ва тарих илми соҳасида қалам тебратган салоҳиятли олим ҳам ҳисобланади.

Амир Темур ворислари Мовароуннаҳр ва Хуросонда илм- фаннинг юксак даражага равнақ топишига, Самарқандни маданият марказига айлантиришга кўп куч сарфлашган. Бу даврда Мовароуннаҳрда илмнинг кўп соҳалари равнақ топган.

Самарқандда Улуғбек бошчилигида вужудга келган фалакиёт мактабининг довуғи тез орада бутун жаҳон узра таралди. Ҳиротда буюк шоир ва мутафаккирлар Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий яшашиб, самарали ижод қилишган. Буларнинг барчасида буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур ва унинг аллома набираси - Мирзо Улуғбекнинг хизматлари ниҳоятда бекиёсдир. Шу боисдан ёшларни баркамол этиб тарбиялаш учун билим сарчашмаси ҳисобланган Амир Темур ва темурийлар даври илм - фан ютуқларини ўрганиш ва уларга яна чуқурроқ сингдириш ниҳоятда долзарбдир.

---